# ВЕТЕРАНЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ ВА БИЛИМИ ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Совет халқи армия ва флот ветеранларига зўр ҳурмат билан қарайди. Жанглар алангасидан ўтган, фронт тажрибаси ва кўп йиллик бенуқсон ҳарбий хизмат туфайли кўзи пишган бу ветеранлар доимо ўзларини сафда деб ҳис этадилар. Уларнинг баъзилари Қуролли Кучларнинг сафларида ҳозир ҳам янги авлод жангчиларига таълим ва тарбия беришни давом эттирмоқдалар, бошқалари халқ хўжалигида фидокорона меҳнат қилиб, Ватан қудратини мустаҳкамламоқдалар. Муносиб равишда кексалик гаштини сураётган ветеранлар эса коммунистик ғояларнинг, партия ички ва ташқи сиёсатининг оташин пропагандистлари бўлиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш қилмоқдалар. 14 декабрь куни СССР Мудофаа министрлиги раҳбарларининг Қуролли Кучлар ветеранлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. И. Савинкин, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар қатнашдилар.

Ўртоқ **Д. Ф. Устинов** учрашувни очиб, бундай деди: синалган, чиниққан жангчилар — Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунларида севимли Ватан шон-шарафи ва озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, ҳозир ҳам Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг жанговар қудрати ва жанговар шайлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган кишилар шу залга тўпланишган. Халқ хўжалигида фаол меҳнат қилаётган, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлаётган ёшларни тарбиялашда, уларни армия ва флот хизматига тайёрлашда қатнашаётган, катта жамоат ишини олиб бораётган кишилар ҳам шу ерда ўтиришибди.

Чуқур мамнуният туйғуси билан фахрий топшириқни бажариб, сизларга, ветеран ўртоқларга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, СССР Мудофаа кенгашининг раиси ўртоқ Ю. В. Андроповдан коммунистик жанговар салом топшираман. Юрий Владимирович — содиқ ленинчи, Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчисидир. У партия билан давлатга раҳбарлик соҳасидаги кўп қиррали, масъулиятли фаолиятида мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, армия билан флотнинг жанговар шайлигини янада оширишга доимо зўр эътибор бериб келмоқда.

Юрий Владимирович сизларга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаганлигини билдиришни илтимос қилди. У сизларнинг ҳар бирингиз бундан буён ҳам социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшасизлар, Қуролли Кучларнинг шахсий составини, барча совет кишиларини, айниқса ёшларимизни партия, халқ, армия ва флотнинг ажойиб анъаналари руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишда актив қатнашасизлар, деб ишонч билдирди.

Сизлар билан биз ёшларни зарур маънавий-сиёсий ва жанговарлик фазилатлари, ҳаётда актив позицияда туриш, ахлоқий етуклик руҳида тарбиялаш учун, уларда юксак масъулият, Коммунистик партия билан совет халқи олдидаги бурчни астойдил ҳис этиш, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш фазилатларини ҳосил қилиш учун сизларнинг тажрибангиздан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш хусусида маслаҳатлашиб олиш учун тўпландик. Бизнинг суҳбатимиз ёшлар билан ишлашни яхшилаш, уларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлаш проблемаларини муҳокама қилишдан астойдил манфаатдорликни ва бу ҳақда очиқ-ойдин гаплашиб олишни назарда тутади, мана шундай суҳбатлашиш учун эса бир талай масалалар бор. Суҳбатимиз мароқли ва фойдали, партиявий принципиал руҳда ўтади, деб ўйлайман.

Учрашувда Қизил Байроқ орденли Узоқ Шарқ ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони армия генерали И. М. Третьяк, «Азовский» совхозининг директори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, собиқ старшина В. И. Головченко, СССР Мудофаа министрлиги бош инспекторлари группасининг ҳарбий инспектор маслаҳатчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони авиация маршали С. И. Руденко, стратегик вазифаларни бажарувчи ракета қўшинлари ҳарбий кенгашининг аъзоси-сиёсий бошқармаси бошлиғи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник П. А. Горчаков, уруш ветеранлари Совет комитетининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-полковник А. С. Желтов, СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, флот адмирали Г. М. Егоров, уруш ветеранлари Совет комитети Ашхобод секциясининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, собиқ катта сержант П. П. Режепов, уруш ветеренлари Совет комитети мактаблар ва мактабдан ташқари ташкилотлар билан алоқа комиссиясининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги капитан Н. В. Попова, Украина ССР Фанлар академияси Тарих институти Улуғ Ватан уруши тарихи бўлимининг мудири, Украина ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, запасдаги полковник В. И. Клоков, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори Совет Иттифоқи Қаҳрамони, запасдаги полковник В. В. Карпов, М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг тингловчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, майор С. П. Козлов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Учрашув қатнашчилари ўз нутқларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар, армияга чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни янада яхшилаш, армия ва флот жангчиларига таълим ва тарбия беришни такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклиф ва истакларини айтдилар.

Ҳозир бўлган кишилар самимий кутиб олган ўртоқ Д. Ф. Устинов нутқ сўзлади. Шавкатли Қуролли Кучларнинг ветеранлари бўлган сизлар билан бугунги учрашувимиз партиянинг ажойиб ленинча анъанаси руҳида ўтмоқда, деди у. Бу учрашув шу йилнинг августида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетида партия, меҳнат ва Қуролли Кучлар ветеранлари билан ўтказилган учрашувнинг мантиқий давомидир.

КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда ўртоқ Ю. В. Андропов ёрқин, сермазмун нутқ сўзлади. У ветеранларнинг катта хизматларини қайд этди, уларнинг партия билан ҳукумат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда актив қатнашаётганликларини юксак баҳолади. Юрий Владимирович ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш актуал проблемаларини ҳал этиш учун ветеранларнинг тажрибасидан фойдаланиш, партия XXVI съездининг тарихий режаларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини бажариш йўллари ва вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Совет ветеранлари, Қуролли Кучларнинг жангчилари, бутун халқ бу нутқни тўла маъқуллаб кутиб олдилар. Юрий Владимировичнинг маслаҳатлари ва тавсиялари қизғин маъқулланди, чунки улар катта авлодларнинг — социализм ва коммунизм қурилиши учун курашчиларнинг донишмандлигини ёшларнинг ғайрат-шижоати ва завқ-шавқи билан узвий равишда боғлагандир.

СССР мудофаа министри Қуролли Кучларнинг ветеранлари совет халқининг зўр иззат-ҳурматига сазовор эканликларини таъкидлади. Борди-ю мендан биз ҳақли равишда Қуролли Кучларнинг ветерани, деган фахрли ном билан атаётган кишиларга ҳамиша қандай фазилатлар хос бўлиб келмоқда, деб сўрашганида мен шундай жавоб берган бўлур эдим, деб давом қилди у. Аввало, уларнинг Коммунистик партияга чексиз садоқати, ўз халқига астойдил содиқлиги, ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиб ва ўлимларни доғда қолдириб, Совет Ватанини ҳимоя қилишга доимий шайлик ҳамиша уларга хос фазилатлар бўлиб келмоқда. Қуролли Кучлар ветерани — жанговар жасорат кўрсатган киши, совет халқи юксак маънавий, ахлоқий бойликларининг соҳиби тинчлик йилларида ҳам, шунингдек суронли уруш йилларида ҳам жанговар меҳнатнинг ғоят катта тажрибасига эга бўлган инсондир. Улар — маршал ва солдат, генерал ва сержант, офицер ва прапоршчик, пиёда аскар ва денгизчи, учувчи ва танкчи, артиллериячи ва ракетачи — хуллас, барча ҳарбий унвонлар ва касблардаги кишилардир.

Учрашувимиз амалий, дўстона вазиятда ўтаётганлиги, сизлар билдираётган рўйирост фикрлар, деб уқтирди Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлаш учун сизларнинг бой тажрибангиздан яхшироқ, яна ҳам самаралироқ фойдаланиш тўғрисида, фойдали, сермазмун суҳбатлашиб олаётганлигимиздан далолат беради. Сизлар айтган таклифлар ва маслаҳатлар ҳисобга олинади. Шу таклифлар ва маслаҳатлар қўшинлар ва флот кучларини тайёрлашда, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни Ватан ҳимоясига тайёрлашда ёрдам беради. Бунинг учун сизларга катта раҳмат!

Сўнгра СССР мудофаа министри партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини бажаришда совет халқи эришган муваффақиятларга тўхталиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумидан кейин меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди. Уюшқоқлик, план ва меҳнат интизоми кучаймоқда. Турмушимизнинг бутун мароми бирмунча аниқроқ бўлиб қолди, унинг даражаси юксалди. Қуролли Кучларнинг жангчилари коммунистик қурилиш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда.

Халқимиз бунёдкорлик вазифаларини мураккаб бир ташқи сиёсий шароитларда ҳал этишига тўғри келди, деди нотиқ. Ҳозирги халқаро вазиятнинг хусусиятлари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотларида чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиб берилган.

Президент Рейган ижтимоий система сифатида социализмга қарши эълон қилган «салб юриши» — аслида АҚШ ва у билан бирга иш кўраётган Ғарб мамлакатларидаги ўта реакцион кучлар идеологиясининггина эмас, шу билан бирга реал амалга оширилаётган сиёсатининг ҳам ифодасидир. Қўшма Штатларнинг ва бошқа баъзи империалистик давлатларнинг раҳбар доиралари шу авантюрачилик сиёсатини амалда рўёбга чиқармоқдалар. Вашингтон АҚШ билан СССР ўртасидаги, НАТО билан Варшава Шартномаси давлатлари ўртасидаги мавжуд тахминий ҳарбий-стратегик мувозанатни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бузишга, бизга нисбатан ҳарбий устунликка эришишга интилмоқда.

Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталари Европада жойлаштирила бошланганлиги тинчлик иши учун ниҳоятда хатарлидир. Ғарбий Европа давлатларидаги баъзи масъул арбоблар совет «ҳарбий хавфи» бор деган сафсатани ниқоб қилиб олиб, ўз аҳолиси кўпчилигининг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ўз «ҳовлисига» Американинг «першинг»лари ва қанотли ракеталарини зўр бериб олиб кириб, ўз мамлакатларининг территорияларини СССРга қарши ракета-ядро уруши майдонига айлантиришда жонбозлик кўрсатаётганликларига ажабланиш мумкин, холос. Наҳотки, тарих уларга ҳеч нарсадан сабоқ бермаган бўлса? Ахир, бундан қирқ йил муқаддам ҳам Ғарбда агрессорга худди шундай зўр бериб лаганбардорлик қилган сиёсатчилар бор эди-ку. Ўшанда ҳам улар тинчликка қарши қўпорувчилик ишларини антисоветизм ва антикоммунизм билан ниқоблашган эди. Бу эса нима билан тугаганлиги ва халқлар уларнинг калтабин сиёсати учун қандай жабр кўрганликлари маълум.

Совет халқи ўтган уруш сабоқларини яхши эслайди ва ўзи учун зарур хулосалар чиқаради.

Сўнгра ўртоқ Д. Ф. Устинов Американинг янги ракеталари Европада жойлаштирилиши муносабати билан Совет раҳбарлари кўрган жавоб чораларининг аҳамиятини таъкидлади. Совет кишилари, деб уқтирди у, СССР ва унинг иттифоқчилари ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилаётган қарорларни тўла-тўкис ва батамом маъқулламоқдалар. Биз уруш хавфини бартараф этиш ва тинчликни сақлаб қолиш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверамиз.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, дунёдаги аҳвол жуда кескин бўлиб қолмоқда. Аммо ҳарбий-сиёсий вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, уни ҳаддан ташқари бўрттириб юборишнинг ҳожати йўқ. Ҳозирги вазиятнинг ғоят жиддийлигига соғлом фикр билан баҳо бериб, империализм асло ҳаммадан қудратли эмаслигини кўра билиш керак. Унинг дўқ-пўписалари ҳам бизни чўчитмайди. Совет халқининг асаби мустаҳкам, биз, катта авлодга мансуб кишилар, ҳозирги даврдан анча мушкулроқ даврни ҳам бошдан кечирганмиз. Ўз манфаатларимизни, дўстларимиз ҳамда иттифоқчиларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиб қолмоқ учун бизда етарлича куч ва воситалар топилади!

Қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциал — Совет давлати мудофаа қобилиятининг, Қуролли Кучлар жанговар қудратининг мустаҳкам моддий базаси халқимиз бир қанча авлодининг қаҳрамонона астойдил меҳнати билан вужудга келтирилган. Армиямиз ва флотимиз сифат жиҳатдан бирмунча юксакроқ даражага кўтарилдики, бу ҳол уларга жанговар вазифаларни ғоят пухталик билан ҳал этиш имконини беради.

Сўнгра мудофаа министри Қуролли Кучларнинг ветеранлари ҳал этишлари лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Совет кишиларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив ва кенг иштирок этиш улар фаолиятининг энг муҳим соҳасидир. Партия ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисми деб, Совет давлати мудофаа қобилиятини оширишнинг ғоят актуал вазифаларидан бири деб билмоқда. Партия, совет халқи, Қуролли Кучларнинг қаҳрамонона анъаналари кенг жабҳада пропаганда қилинмоқда. Бу анъаналар жуда катта бойликдир. Катта авлодлар ана шу анъаналарни ёш авлодларга эстафета каби топширмоқдалар. Юксак маънавий руҳимизнинг қудратли манбаи ана шу анъаналардадир.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, коммунистик идеаллар учун матонатли, эътиқодли курашчиларни, социалистик Ватан тақдири, унинг мудофаа қобилияти учун шахсий масъулиятни чуқур англайдиган курашчиларни камол топтиришга яна ҳам кўпроқ эътибор берилиши жуда муҳимдир. Ёшлар билан ишлаганда самимий сўзни, оталарча ёрдамни аямаслик керак. Тажрибани сахийлик билан баҳам кўриш лозим. Юрий Владимирович Андроповнинг сўзлари билан айтганда, ҳаёт тажрибаси айни бир чўққи бўлиб, унинг тепасига кўтарилгач, уфқни яққолроқ кўриш мумкин.

Ватаннинг қуролли ҳимоячилари сафларига кираётган ҳар бир киши ўзининг Конституциядаги бурчини яхши тушуниши, Совет Қуролли Кучларининг юксак тарихий вазифасини чуқур англаши, армия ва флотнинг қаҳрамонона ўтмиши ҳамда ҳозирги кунлари тўғрисида, халқимизнинг тинч меҳнатига агрессор тажовуз қилишга журъат этган тақдирда ўз зиммасига тушиши мумкин бўлган синовлар ҳақида равшан тасаввурга эга бўлиши зарур.

Ветеранларнинг армияга чақирилувчи ёшларга уларнинг бошланғич ҳарбий билимларни ҳамда жанговар меҳнат, ҳарбий хизмат кўникмаларини ҳосил қилишларида, ҳарбий техника ихтисосларини эгаллаб олишларида ёрдам бериш соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эгадир.

Кўпгина республикалар, ўлкалар, областларда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муайян системаси таркиб топди. Масалан, Волгоград областида ҳар томонлама катта иш олиб борилмоқда. Белоруссияда, Украинада, Ўрта Осиё, Закавказьедаги бир қанча республикаларда ветеранларнинг ҳарбий-ватанпарварлик ишлари юксак баҳога муносибдир.

Шундай бўлса ҳам ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд имкониятларидан ҳали асло тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг ёшлар билан олиб бориладиган идеология ишида сийқаликка, расмиятчиликка йўл қўймаслик тўғрисидаги талаби жуда муҳимдир. Партия пропагандамизнинг жанговарлигини бутун чоралар билан ошириш, бизга ёт идеологияга қарши курашга тобора ҳужумкорлик тусини бахш этиш, Ватан ҳимоячиларини социализм ва тинчлик душманларига нисбатан ўткир синфий нафрат руҳида тарбиялаш зарурлигини таъкидламоқда.

Келгуси йил Улуғ Ватан урушининг Белоруссия, Яси-Кишинёв каби ва бошқа операцияларида Совет қўшинлари қозонган буюк ғалабаларнинг 40 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан ҳарбий ватанпарварлик ишларини кучайтириш учун кенг имкониятлар очилмоқда. 1985 йилда биз Висла — Одер, Берлин операцияларидаги ғалабаларнинг 40 йиллигини ҳамда фашистлар Германияси устидан қозонилган улуғ Ғалабамизнинг 40 йиллигини байрам қиламиз.

Шундан кейин СССР мудофаа министри уруш ветеранлари Совет комитетига, унинг секцияларига, қалби ёш неча юз минглаб фронтчи қаҳрамонларни бирлаштирган полкдош ветеранларнинг кенгашларига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Армия ва флот ёшлари билан ишлаш, деб таъкидлади у, ветеранлар тажрибаси, кучи ва билимлари сарфланадиган масъулиятли соҳалардан биридир. Ёш солдат ва матросларни ҳарбий жиҳатдан чиниқтиришда, уларнинг коммунистик эътиқодини, исталган дақиқада қўлга қурол олиб социалистик Ватан ҳимоясига отланишга шайлигини мустаҳкамлашда партиявий, армия ёки флот стажи неча ўн йилларни ташкил этадиган сизлар ёрдам бермай, ким ёрдам берсин, ахир! — деди у ветеранларга мурожаат этиб. Сизлар ўзларингизнинг машаққатли, аммо ажойиб жанговар ёшлигингиз тўғрисида ҳикоя қилиб, тажрибангизни сахийлик билан баҳам кўриб, ёш жангчиларга ҳарбий маҳоратнинг энг тўғри йўлларини кўрсатиб берасизлар, уставдаги тартиб-қоидага қатъий риоя этиш, темирдек ҳарбий интизом бўлиши ҳаётий зарурат эканлигига сизлар ишонтирмай ким ҳам ишонтирсин, ахир!

Шу залда, деб давом қилди ўртоқ Д. Ф. Устинов, уруш ветеранлари — ижодий союзларнинг ҳамда адабиёт ва санъат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлишган. Азиз ўртоқлар, биз сизларга мурожаат этиб, бугунги кунда сизлар актив иштирок этмасангиз, адабиёт ва санъат асарлари каби қудратли қурол бўлмаса Армия билан флот жангчиларининг жанговар турмуши ва жанговар меҳнатини сира ҳам тасаввур эта олмаймиз, деб айтамиз.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуи битмас-туганмасдир. Гражданлар уруши тўғрисида, айниқса, Улуғ Ватан уруши тўғрисида ҳали айтиладиган гаплар бор. Совет Қуролли Кучлари бугунги куни қаҳрамонлигига келганда, ҳозирча у ҳақда кишини ранжитадиган даражада кам ёзилган. Ҳолбуки, хоҳ солдат, хоҳ офицер бўлмасин ҳозирги жангчи — ўз ота ва боболари жанговар шон-шуҳратининг муносиб вориси, улар қаҳрамонона анъаналарининг давомчисидир.

СССР мудофаа министри адабиёт ва санъатнинг эътироф этилган усталари ҳам, истеъдодли ижодкор ёшлар ҳам муҳим ва ҳаётий зарур мавзу бўлмиш ҳарбий-ватанпарварлик мавзуига эътиборни кучайтирадилар, деб ишонч билдирди.

Нотиқ таъкидладики, Армия ёки флотда хизматни давом эттираётган ветеранларнинг ҳам, коммунистик қурилишнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ветеранларнинг ҳам, муносиб равишда кексалик гаштини сураётган ветеранларнинг ҳам фаолияти доимий эътибор ва мадад беришни талаб қилади. Биз Армия ва флотдагилар, деди у, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ҳаёт қайнаб турган жойда ветеранларни унутиб қўймаслик керак, деган кўрсатмасини ҳаракат программаси сифатида қабул қилдик. Уларга эътибор билан муносабатда бўлиш, иззат-ҳурмат қилиш, хайрихоҳ бўлиш, ёрдам бериш Ленин васиятларини бажаришнинг кўринишларидан биридир. Биз ҳамиша шуни ёдда тутишимиз шартки, ветеранлар — бизнинг олтин фондимиз, улар бутун мамлакат, бутун совет халқи фахрланаётган кишилардир.

Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Совет Қуролли Кучларининг ветеранларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, севикли Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашда янги-янги муваффақиятлар тилади.

СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари бутун кучимиз, билимимиз, тажрибамизни Ватаннинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, Армия ва флотнинг жанговар шайлигини ошириш, совет кишиларининг ёш авлодини ватанпарварлик, пролетар интернационализми руҳида, социалистик Ватанни қурол билан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш ишига сарфлаймиз, деб Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ваъда бердилар.

(ТАСС).



ТОШКЕНТ. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонт заводи коллективи юксак малакали мастер Садат Муратовни катта меҳнат ғалабаси билан қутлади. Коммунист ишчи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини барвақт бажариб, мусобақада ғолиблик қилди. Тепловознинг тирсакли валлари ва двигателларини созлаш ишлари бўйича мастер С. Муратов корхонада ўнлаб ёшларнинг устози ҳамдир. Айни кунларда у 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори С. Муратов.

В. Сироткин фотоси.

## КАДРЛАР ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида республика, ўлка ва область газеталари, партия журналлари редакторлари, маҳаллий информация агентликлари директорларининг машғулотлари тугади. Улар бир ой мобайнида коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, Коммунистик партия билан Совет давлатининг халқаро фаолияти, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида партиянинг ташкилотчилик ва идеологик ишлари актуал масалаларини ўргандилар.

Тингловчилар СССР Қуролли Кучлари партия комитетлари ва сиёсий органлари лекторларининг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши ишида қатнашдилар, марказий газеталар ва журналлар редакцияларининг иши билан танишдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Замятин, Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан ва техника давлат комитетининг раиси Г. И. Марчук, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари Е. К. Лигачев, Б. И. Стукалин, В. Ф. Шауро, К. С. Симонов, КПСС Марказий Комитети бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари В. Г. Захаров, В. И. Лобусов, О. Б. Рахманин, Н. Н. Четвериков, В. Н. Севрук, Р. А. Ульяновский, Л. М. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Густов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори А. Г. Егоров, СССР ички ишлар министри В. В. Федорчук, СССР Фанлар академиясининг вице-президентлари Е. П. Велихов, Ю. А. Овчинников, П. Н. Федосеев, СССР Давлат комитетларининг раислари Ф. Т. Ермаш, Б. Н. Пастухов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. М. Роганов, «Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси П. А. Наумов, СССР Госпланининг масъул ходимлари, журналистлар, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг профессорлари ва ўқитувчилари лекция ўқидилар.

## СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

Финляндия ташқи ишлар министри Пааво Вяюрюнен Совет ҳукуматининг таклифига биноан 13 декабрь куни расмий визит билан Москвага келди.

Ленинград вокзалида П. Вяюрюненни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Шу куни Кремлда А. А. Громико билан П. Вяюрюнен ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Анъанавий дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари 1948 йилги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов билан Финляндия Республикаси президенти М. Койвисто ўртасида шу йилнинг июнида бўлиб ўтган музокаралар вақтида эришилган аҳдномаларга мувофиқ барқарор ва муттасил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди. 1948 йилги шартноманинг амал қилиш муддати яна навбатдаги 20 йилга узайтирилганлиги Совет — Финляндия муносабатларининг узоқ муддатли истиқболларини таъминлаб берди.

Халқаро ишларни муҳокама қилиш чоғида министрлар дунёдаги, аввало шу асрнинг ўзида икки марта вайронгарчилик ёнғинига дучор бўлган Европадаги вазият кескинлашиб бораётганлигидан чуқур ташвиш изҳор этдилар.

Ю. В. Андроповнинг 24 ноябрдаги Баёноти орқали совет томони Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатлари территориясида Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталарини жойлаштиришга киришган АҚШ билан НАТО Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизлик ишига оғир зарба урганликларини таъкидлади. Вужудга келган аҳвол учун жавобгарлик АҚШ ҳукуматининг ва ўз территориясида ракеталар жойлаштирилишига розилик берган НАТО давлатларининг ҳукуматлари зиммасига тушади. НАТО кенгашининг яқинда тамом бўлган ва қуролланиш пойгасига яна ҳам қаттиқроқ қамчи уриш, халқаро кескинликни кучайтириш белгиси остида ўтган қишки сессияси қарорлари бу аҳволни баттар чигаллаштирди. Совет Иттифоқига келганда, у уруш хавфини тугатиш учун қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган принципиал йўлга содиқ бўлиб қолади ва бундан буён ҳам шу мақсадларга эришиш учун куч-ғайратларини сарфлайверади.

Европа шимолидаги аҳвол хусусида фикрлашиш чоғида Финляндиянинг шу районни ядросиз зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи актуаллиги тобора ортиб бораётганлиги ва Совет Иттифоқининг шу муҳим ташаббусни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишга тайёр эканлиги қайд этилди.

П. Вяюрюнен Финляндия Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун аввалгидек куч-ғайрат сарфлайверишини, қуролланиш пойгаси тўхтатилишига ва қуролсизланишга кўмаклаша беришини айтди.

Қуролланиш пойгасини жиловлашга, дунёнинг турли районларида сақланиб келаётган кескинлик манбаларини ва қуролли можароларни тугатишга тааллуқли бошқа муҳим халқаро проблемалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

А. А. Громико П. Вяюрюнен шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда министрлар нутқлар сўзлашди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида музокаралар давом эттирилди. (ТАСС).

## МЕЛИОРАЦИЯЛАНГАН ДАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Колхозлар Иттифоқ кенгашининг 13 декабрь куни Москвада бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов кўрсатмаларидан келиб чиқадиган талаблар асосида мелиорацияланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан кишилар КПСС аграр сиёсатини изчил рўёбга чиқариш натижасида колхозларда мелиорацияланган ерлар майдони 15,6 миллион гектарга етганлигини айтдилар. Шу билан бирга улардан фойдаланишда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Айрим хўжаликларда мелиорацияланган гектар самарадорлиги ҳали паст даражада.

Колхозлар Иттифоқ кенгаши ҳамма жойда барча суғориладиган ва захи қочирилган далаларни жадал ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун экинзорларни текшириб чиқишни тавсия этди. Суғориш техникаси ремонтини ўз вақтида: мамлакат жанубий районларининг хўжаликларида келгуси йил 15 апрелгача, қолган районларда эса 1 майгача туғаллаш зарур. Колхозларни кадрлар, тегишли техника, транспорт воситалари билан, истиқболли навлар ва гибридлар, ўғитлар билан таъминлашга эътибор жалб этилади.

Колхозлар Иттифоқ кенгашининг мажлисида Белоруссия ССР колхозлар кенгашининг қишлоқни социал-маданий ривожлантиришга оид ишлари ҳам муҳокама қилинди.

Колхозлар Иттифоқ кенгашининг ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев иштирок этди.

**(ТАСС мухбири).**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Олий Советнинг план-бюджет комиссиясига ва бошқа доимий комиссияларига 1984 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини, 1983 йилги планнинг бажарилишини, Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги давлат бюджетини, шунингдек 1982 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқишни ва шулар асосида хулосалар тайёрлашни топширди.

14 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг план ва бюджетни дастлабки тартибда кўриб чиқиш юзасидан комиссиялар иш бошлашига бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР молия министри И. А. Каримов доклад қилдилар.

План ва бюджетни кўриб чиқиш юзасидан тайёргарлик комиссияларининг иш тартиби тўғрисида план-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари Ш. Ё. Ёқубов ахборот берди. 14 та тайёргарлик комиссияси ташкил этилди. Халқ хўжалигининг кўпгина мутахассислари, олимлар комиссиялар ишида қатнашишга жалб этилди. Тайёргарлик комиссиялари министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглайдилар.

**(ЎзТАГ).**

